

**КОРРУПЦИЯ – ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИГА ҚАРШИ ЭНГ ХАВФЛИ
ИЛЛАТ**

*Жинойят ишлари бўйича
Қарши шаҳар суди судьяси*

А.Байназаров

Коррупция – бу жамиятнинг ич-ичидан емирилишига олиб келадиган, адолат ва ишончни йўқ қиладиган хавфли иллатдир. Коррупция мавжуд бўлган жамиятда қонун устуворлиги заифлашади, тенглик бузилади, ҳалол меҳнат кадрсизланади. Энг ёмони, у келажакка бўлган ишончни сўндиради. Бугунги глобаллашув даврида коррупция нафақат миллий, балки халқаро муаммога айланган. У иқтисодий ривожланишга тўсқинлик қилади, инвестиция муҳитини ёмонлаштиради, ижтимоий адолатсизликни кучайтиради. Шу сабабли коррупцияга қарши кураш ҳар бир давлат учун стратегик вазифага айланган.

Коррупция кўпинча ҳуқуқий саводхонлик пастлиги, жавобгарликнинг сустлиги, ошкоралик етишмаслиги ва “таниш-билишчилик” каби иллатлар билан озиқланади. Агар жамиятда “пора бермасанг ишинг битмайди” деган қараш илдиз отган бўлса, бу фақат мансабдор шахснинг эмас, балки бутун тизимнинг муаммосидир. Айниқса, таълим, соғлиқни сақлаш, суд-ҳуқуқ тизими каби соҳаларда коррупциянинг мавжудлиги жамият учун ниҳоятда хавфли. Чунки бу соҳалар адолат, билим ва инсон кадр-қимматига бевосита таъсир қилади.

Ҳозирги кунда кўплаб давлатлар сингари Ўзбекистонда ҳам коррупцияга қарши курашиш бўйича мустаҳкам ҳуқуқий асос яратилган. Жумладан, муҳтарам юртбошимиз, президент Шавкат Мирзиёев 2025 йил 26 декабрдаги Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида “Коррупция – давлат тараққиётига тўсиқ бўладиган, адолат ва қонун устуворлигини издан чиқарадиган, жамиятда ишонч муҳитини заифлаштирадиган энг жиддий таҳдид. Коррупцияга йўл қўйиш эса – ислохотларимизга хиёнатдир. Бу иллатга қарши курашиш бўйича 2026-йилда “фавқуллодда ҳолат” эълон қиламиз” дея давлатнинг ички сиёсий иродасини аниқ баён этдилар.

Шуни таъкидлаш жоизки, коррупцияга қарши курашда энг муҳим омил – фуқаролик позициясидир. Жамият коррупцияни “оддий ҳолат” сифатида қабул қилмаслиги керак. Пора бермаган одам ютқазувчи эмас, аксинча, жамият олдидаги масъулиятини бажараётган шахс сифатида қаралиши лозим. Коррупцияга қарши энг узоқ муддатли ва самарали кураш бу – тарбия. Ҳалоллик, адолат, масъулият каби кадриятлар оилада, мактабда, жамиятда мустаҳкам сингдирилмаса, ҳеч қандай жазолар кутилган натижани бермайди. Ёшлар онгида “ҳалол йўл билан муваффақиятга эришиш мумкин” деган ишонч шаклланиши жуда муҳим. Акс ҳолда, коррупция авлоддан-авлодга ўтувчи касалликка айланиб қолади.

Коррупция – енгиб бўлмайдиган муаммо эмас. Лекин у билан курашишда лоқайдлик энг катта душмандир. Ҳар бир фуқаро “бу менга тааллуқли эмас” деган

25-Mart, 2026-yil

қарашдан воз кечиб, адолатсизликка нисбатан мурасасиз бўлса, натижаларга эришиш мумкин бўлади. Адолат устувор бўлган жамиятда тараққиёт муқаррар. Коррупцияга қарши кураш – бу нафақат қонуний мажбурият, балки маънавий бурчдир.